

## **“Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот**

“Ўзавтосаноат” АЖ тармоқ корхоналари томонидан 2023 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми белгиланган **62 187,7 млрд сўм** прогноз амалда **65 141,5 млрд сўм**, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **136,0 фоизга** етиб, белгиланган режа кўрсаткич бажарилиши **104,7 фоизни** ташкил этди.

Асосий маҳсулот турлари бўйича:

**395 395 дона** “Ўзавто Моторс” АЖ енгил автомобиллари (ўсиш суръати **120,7 фоиз**);

**4 095 дона** ISUZU туридаги юк автомобиллари ва автобуслар (ўсиш суръати **97,7 фоиз**);

**680 дона** енгил тижорат автомобиллари (ўсиш суръати **148,8 фоиз**);

**269,2 минг** дона куч агрегатлари (ўсиш суръати **119,4 фоиз**);

**3 536 дона** қишлоқ хўжалиги машинасозлик техникалари (ўсиш суръати **101 фоиз**) ишлаб чиқарилди.

Хорижий давлатларга 2023 йил январь-декабрь ойларида жами **638,7 млн долларлик** маҳсулотларнинг экспорти амалга оширилди (ўсиш суръати **115,3 фоиз**), шундан тармоқ корхоналари **630,0 млн доллар** ва қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналари **8,7 млн долларни** ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2022 йилдаги ПҚ-459-сон қарорига мувофиқ “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан **7 та** инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2023 йилда ушбу лойиҳалар доирасида **145,8 млн доллар** инвестициялар ўзлаштирилди (режага нисбатан **126,8 фоиз**), шундан **57,08 млн доллар** тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, **71,1 млн доллар** корхоналарнинг ўз маблағлари ва **17,63 млн доллар** тижорат банклари кредитлари ҳисобига.

Корхоналар томонидан маҳаллийлаштириш дастури доирасида **15 турдаги** маҳсулот ишлаб чиқарилиб, жами **18 988,1 млрд сўмни** ташкил этди (режа бажарилиши **158,3 фоиз**).

Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга жами **8 081,6 млрд сўм** тўловлар амалга оширилди, ўсиш суръати **117,9 фоиз**.

2023 йилда тармоқ корхоналари томонидан жами **4 339 та** янги иш ўринлар яратилди, ўсиш суръати **103,7 фоиз**.